

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Х У К М

Protected by PDF Anti-Copy Free

2020 йил сентябрь ойнинг 14 кuni жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар суди ўз биносида очик суд мажлисида, раислик қилувчи В.Норбеков, судья ёрдамчиси Н.Курбановнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Термиз шаҳар прокурори Х.Маматкулов, судланувчи Р.С ва унинг ҳимоячиси “Сурхон ҳақиқат маскани” адвокатлар ҳайъати адвокати Ш.Чориев, судланувчи У.Х ва унинг ҳимоячиси “Сурхон ҳақиқат маскани” адвокатлар ҳайъати адвокати И.Тошевларнинг иштирокида, Р.С ва У.Хга нисбатан 1-1901-2002/144-сонли жиноят ишини кўриб чикди. Иш ҳужжатларига кўра:

Р.С (R.S), 1983 йил 23 август кuni Термиз шаҳрида туғилган, миллати тожик, ўзбек тилини билади, таржимон хизматига муҳтож эмас, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, турмушга чиқмаган, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Термиз шаҳар, [REDACTED] маҳалласи, [REDACTED] кўчаси, [REDACTED]-бурилиш, [REDACTED]-уйда яшайди, унга нисбатан муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган, сўзидан соғлиги яхши, судга жавоб бера олади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми «б» банди, 28 ва 211-моддаси 1-қисми билан;

У.Х (U.X), 1987 йил 14 февраль кuni Термиз шаҳрида туғилган, миллати тожик, ўзбек тилини билади, таржимон хизматига муҳтож эмас, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, бўйдоқ, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг 2010 йил 1 июнь кuniдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тугатилган,

2) жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг 2015 йил 16 декабрь кuniдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми 28 ва 211-моддаси 1-қисми билан ойлик иш ҳақининг 25 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 2015 йил 3 декабрь кuniдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 2-бандига асосан жазодан озод қилинган, вақтинча ишсиз, Термиз шаҳар, [REDACTED] кўчаси, [REDACTED]-бурилиш, [REDACTED]-уйда яшайди, унга нисбатан муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чорасига қўлланилган, айблов хулосаси

нухасини ўз вақтида олган, сўзидан соғлиги яхши, судга жавоб бера олади.

Protected by PDF Anti-Copy Free

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми «б» банди, 28 ва 211-моддаси 1-қисми банди билан айбонланган.

(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

Суд судланувчилар ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишнинг суд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

а н и қ и а д и:

Р.С Термиз шаҳридаги “Улуғбек Стома Сервис” хусусий корхонасида ҳамшира вазифасида ишлаб келиб, ўзига олдиндан таниш бўлган О.Б.К ва У.А.Хлар билан ўзаро олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ шахслар бўлишиб, ўзининг таниши Д.Н билан учрашиб, унга мансабдор танишлари орқали ишга жойлаштириб беришни гаплашиб, ушбу хизмати учун 1.200 АҚШ доллари миқдорида пора беришни кераклигини айтиб, ушбу пул маблағини жияни О.К орқали унинг танишларига пора тариқасида бериши ва улар уни ишга жойлаштириб қўйишини ваъда қилиб, 2020 йил 25 май куни 1.200 АҚШ долларидан 1.100 АҚШ долларини “Улуғбек Стома Сервис” хусусий корхонасида Д.Ндан фирибгарлик йшли билан олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланган.

Шундан сўнг, тезкор тадбир давом эттирилиб, У.А.Х Д.Нни ишга жойлаштириб қўйиш бўйича мулкый манфаатдор бўлиш тўғрисида олдиндан тузилган жиноий режага кўра, Термиз шаҳар, Ат.Термизий кўчаси ёқасидаги “Қишлоққурилиш” банк олдида бошқарувидаги “Спарк” русумли, давлат рақами 75 ■■■■ бўлган автомашинада Р.Собировадан 1100 АҚШ долларини олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланган.

Судланувчи Р.С суд мажлисида, айбига тўлиқ иқроп бўлиб, 2019 октябрь ойидан буён “Улуғбек стома-сервис” Х/К ҳамшира вазифасида буйруқсиз ишлаганлиги, Д.Нни 2019 йил феврал ойида ўрта тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш курсида ўқиш жараёнида танишганлиги, Д.Н ёнига келиб, иш топишда ёрдам сўраганлиги, шунда ўзи унга “танишлар бор, гаплашиб кўраман” деганлиги, жияни О.Кга таниши Д.Нга иш топиб беришини илтимос қилганлиги, жияни бировни ўртасига тушмаслигини айтганлиги, лекин ўзи жиянига қайта-қайта илтимос қилганлиги, шунда О.К таниши У.Хга бу борада илтимос қилишлигини айтганлиги, шу тариқа Д.Ндан пул олиш масаласида келишишганлиги, орадан вақт ўтиб ўзи Д.Ндан ишга кириши учун 1.200 АҚШ доллари сўраганлиги, унга жиянининг таниши орқали ишга киритиши ҳақида айтганлиги, 2020 йил 25 май куни Д.Н ишхонасига келиб 1.100 АҚШ доллари берганлиги, шундан сўнг Д.Н ишхонасидан чиқиб кетганлиги, орадан бироз вақт ўтиб, хонасига нотаниш шахслар кириб келишганлиги, ўзларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимлар сифатида таништиришиб, хизмат гувоҳномаларини кўрсатишганлиги, ўзи тадбир иштирокчилари билан бирга вилоят Департамент маъмурий биносига борганлиги, пушаймонлик билдириб, жиноятни очиш учун фаол ёрдам бермоқчилигини маълум қилиб, ариза билан мурожаат қилганлиги, шундан

сўнг ўзи жияни О.Кга кўнғироқ қилиб, дугонаси Д.Ндан шаҳар ҳудудида жойлашган касалхоналардан бирига ишга жойлаштириш учун у айтган 1.100 АҚШ доллари пулларни олганлигини ва у пулларни кимга олиб бориш кераклигини сўраганлиги, шунда жияни О.К дугонаси Д.Ндан шаҳар ҳудудида жойлашган касалхоналардан бирига ишга жойлаштириш учун олган пулларни У исмли шахс олиб бориб беришини айтганлиги ва ўзига У исмли шахснинг телефон рақамини берганлиги, шундан сўнг ўзи жияни О.К берган рақамга телефон қилиб дугонаси Д.Нни ишга жойлаштириш учун берган 1.100 АҚШ доллари қўйилганлигини айтганлиги, шунда У исмли шахс қаерда эканлигини сўраганлиги, ўзи унга Термиз шаҳридаги “Дубай” ресторанининг олдида эканлигини айтганлиги, орадан 10 дақиқа ўтганидан сўнг У оқ “Спарк” русумли автомашинада етиб келганлиги, у ўзига “ишга киритиб бераман” деб 1.100 АҚШ долларини олганлиги, тезкор тадбир иштирокчилари келиб У исмли шахсни жиноят устида ушлашганлиги, ўзининг оилавий аҳволи оғирлиги, қарамоғида ногирон отаси борлиги, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймон эканлигини инобатга олиб, суддан ўзига нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи У.Х суд мажлисида, айбига тўлиқ икром бўлиб, 2020 йил 25 май куни ўртоғи Ш бир кишини ишга киритиш учун ёрдам кераклигини айтганлиги, ўзи бунга рози бўлганлиги, шундан сўнг 2020 йил 25 май куни соат 17:30 да Шнинг дўсти О орқали Р исмли шахс билан Термиз шаҳридаги “Қишлоққурилишбанк” олдида учрашган вақти Рнинг танишини тиббиёт муассасасига ишга киритиш учун келишилган 1.100 АҚШ доллари миқдоридаги пулни олганлиги, қолган 100 АҚШ долларини Р кейин беришлигини айтганлиги, шундан кейин Р автомашинадан тушиб кетганлиги ва тезкор тадбир иштирокчилари келиб ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимлар хизмат гувоҳномаларини кўрсатишганлиги ва тезкор тадбир ўтказилаётганлигини айтишганлиги, ўзи тадбир иштирокчилари билан бирга вилоят Департамент маъмурий биносига борганлиги, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймон эканлигини инобатга олиб, суддан ўзига нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ О.К суд мажлисида, ҳозирги кунда вақтинча ишсизлиги, фуқаро Р.С холаси бўлишлиги, холаси Термиз шаҳридаги “Улуғбек Стома Сервис” ХКга ишга кирганлиги, шу вақтлари холаси ўзига бошқа иш қидирганлиги, кейин дугонасига иш кераклигини айтганлиги, шаҳар ҳудудидаги бирон бир тиббиёт муассасасига ҳамшира вазифасига ишга киритиб қўйишни илтимос қилганлиги, шунда ўзи холасига аралашмаслигини, бировни ўртасига кирмаслигини айтганлиги, кейин холаси қайта-қайта илтимос қилганлиги, у дугонасининг қийналганлигини, шароити оғир деганлиги сабабли, “майли, сўраб кўраман, ўзларинг келишиб оласизлар” деганлиги, бу ҳақда У исмли танишига айтганлиги, орадан бир-икки кун ўтиб, холаси ўзига кўнғироқ қилиб, дугонаси пулни олиб келганлигини айтганлиги, шунда ўзи холасига ҳали у одам билан гаплашмаганлигини, пулни олмаслигини айтганлиги, кейин ўзи У исмли шахсга бир неча маротаба кўнғироқ қилганлиги, лекин, У исмли шахс телефонга жавоб бермаганлиги, холаси ўзига “пулни олиб қолаверайми” деганида ўзи холасига пулни олиб қолмаслигини, телефонни таниши

кўтармаганлигини айтганлиги, кейин холаси пулни олганлигини айтганлиги, ўзи холасига “хола, пулни бекор олибсиз” деганлиги, холаси ўзига “келиб пулни олиб кет” деганлиги, ўзи пулни олмаслигини, аралашмаслигини қайта-қайта айтганлиги, шундан сўнгра холаси яна кўнгирок қилиб, ўзидан пулни кимга олиб бориб бериши кераклигини сўраганлиги, холасига пулни У исмли шахс олиши кераклигини айтганлиги, шундан кейин Департамент ходимлари Умидни тадбирда ушлашганлигини эътиборга олиш ҳақида кўрсатув берди.

Судланувчи Р.С ва У.Хнинг жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиш бўйича суднинг биринчи сессиясида айби, ўзларининг ва гувоҳнинг суд мажлисидаги кўрсатувлари, жиноят иши ҳужжатларидаги тушунтириш хатлари, юзлаштириш ва сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан тасдиғини топди.

Суд, судланувчи Р.Снинг жиноий ҳаракати тергов органи томонидан бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб фирибгарлик қилиш, пора беришга иштирокчилик қилишда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми «б» банди, 28 ва 211-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи У.Хнинг жиноий ҳаракати тергов органи томонидан бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб фирибгарлик қилиш, пора беришга иштирокчилик қилишда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми «б» банди, 28 ва 211-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Р.Сга жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, муқаддам судланмаганлиги, айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, етказилган зарарнинг қопланганлиги, аёл киши эканлигини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, жазосини оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмас деб баҳолаб, у айбли деб топилаётган ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми «б» банди билан модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖКнинг 28 ва 211-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, модда санкциясида назарда тутилмаган енгилроқ ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги Қарорининг 33-банди талабларига амал қилган ҳолда Р.Сни муқаддам судланмаганлиги, айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, етказилган зарарнинг қопланганлиги, аёл киши эканлигини инобатга олиб ҳамда судланувчи Р.Сни ахлоқан тузатиш мумкин деган қатъий фикрга келиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддасига асосан шартли ҳукм қўллаш мақсадга мувофиқ деган хулосага келди. лозим топади.

Суд, судланувчи У.Хга жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, етказилган зарарнинг қопланганлигини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, жазосини оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмас деб баҳолаб, у айбли деб топилаётган ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми «б» банди билан модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖКнинг 28 ва 211-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, модда

санкциясида назарда тутилмаган енгилроқ ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топади.

Суд иш бўйича ашёвий далил сифатида олинис, 15 дона конвертга жойлаштирилган суртма ва намуналарни йўқ қилишни:

иш бўйича ашёвий далил сифатида эътироф этилган 5 дона “ДВД” дискни жиноят иши ҳужжатлар қўлланганини ақлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қил



ХУКМ ҚИЛДИ:

Р.С (R.S) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми «б» банди, 28 ва 211-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

Р.Сга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми «б» банди билан ойлик иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖКнинг 28 ва 211-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, ойлик иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Р.Сга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман кўшиш йўли билан узил-кесил ойлик иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Р.Сга нисбатан ЖКнинг 72-моддаси қўлланилиб, жазо шартлига алмаштирилсин ва 1 (бир) йил синов муддати белгилансин.

Синов муддатини ўташ 2020 йил 14 сентябрь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Р.Сга яшаш жойи ўзгарган тақдирда, бу ҳақида унинг хулқи устидан назорат олиб боровчи органга хабар бериш мажбурияти юклатилсин, унга синов муддати давомида ҳукм шартларини бузган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддаси 6 ва 8-бандларида кўрсатилган оқибатлар юзага келиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Ҳукмни ижросини назорат қилиш Термиз шаҳар ИИО ФМБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Р.Сга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

У.Х (U.X) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми «б» банди, 28 ва 211-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

У.Хга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми «б» банди билан ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖКнинг 28 ва 211-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

У.Хга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо ҳукм ижросини назорат қилувчи органлар томонидан амалга оширилсин ва ахлоқ тузатиш ишлари ижросини ўташ муддати маҳкум жазони ўташ учун юборилган корхона, муассиса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукмни ижросини назорат қилувчи органларимиз шаҳар ИИО ФМБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.

У.Хга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил сифатида олиниб, 15 дона конвертга жойлаштирилган суртма ва намуналар йўқ қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил сифатида эътироф этилган 5 дона “ДВД” диск жиноят иши ҳужжатларида сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг кассация инстанцияси судлов хайъатига шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи судья:

имзо

В.Х.Норбеков

Аслига тўғри

В.Х.Норбеков